

Олимларнинг илм йўлидаги сабр-матонатларидан ҳаётий лавҳалар 02

[Ўзбекча – Uzbek – الأوزبكي]

Шайх Абдулфаттоҳ Абу Ғудда

Таржимон: *Абу Абдуллоҳ Шоший*

Таҳрир: *Абу Жаъфар Тошкандий*

2014 - 1435

IslamHouse.com

صفحات من صبر العلماء على شدائد العلم

والتحصيل ٠٢

« باللغة الأوزبكية »

عبد الفتاح أبو غدة

مترجم: أبو عبد الله الشاشي

مراجعة: أبو جعفر طشقندي

2014 - 1435

IslamHouse.com

Биринчи бўлим. Олимларнинг илм олиш йўлида қилган сафарларида бошларидан кечирган чарчоқ ва қийинчиликлари ҳақидаги хабарлари

Бисмиллаҳир роҳманир роҳим

4 – Абу Заррнинг мусулмон бўлишига доир яна бошқа бир ривоят бор. Уни Абу Зарр-нинг укасининг ўғли Абдуллоҳ ибн Сомит Ғифорий ривоят қилган. Бу ҳадисни имом Муслим ҳам ўзининг “Саҳиҳ”ида¹ Абу Заррнинг укасининг ўғли Абдуллоҳ ибн Сомит Ғифорий йўли билан ривоят қилган. Воқеа қисқача шундай бўлганди: Абу Зарр шундай ҳикоя қилади:

“Қавмимиз Ғифор ҳаром ойларини ҳалол санарди. Мен, укам Унайс ва онам қавмимиздан чиқиб, Макканинг яқинида кўноқладик. Унайс:

“Мени Маккада бир ишим бор, бориб келай, бу ердаги ишларга ўзинг бош-қош бўлиб тур”, дея

¹ 16/28.

Маккага кетди. У анча ҳаяллаб кел-ганида, нималар қилиб келдинг?, деб сўрадим. Унайс:

“Маккада ўзини Оллоҳнинг жўнатган пайғамбари эканлигини даъво қилаётган бир киши билан кўришдим”, - деди. Мен:

“Хўш, одамлар бунга нима дейишяпти?”, - деб сўрадим.

“Шоир, коҳин, сеҳригар дейишяпти, аммо мен коҳинларнинг сўзларини эшитганман. Унинг гаплари уларникига ўхшамайди. Унинг сўзларини шеър вазнларига солиб кўрдим, уларни шеър дейишга ҳеч кимсанинг тили бормади. Унайсининг ўзи ҳам шоир эди. Оллоҳга қасамки, у ростгўйдир, анавилар ёлғон гапир-моқдалар”, - деди Унайс”.

Абу Зарр сўзида давом этди:

“Энди бу ердаги ишларга сен кўз-қулоқ бўлиб тур, мен бориб кўрайчи, дедимда Маккага кетдим. Одамлар орасидан бечора, ночор бир кишини топиб, вазиятни ундан сўрадим. Чунки, кўпинча заиф кишилардан ёмонлик келмайди-да. Унга:

“Собий” деб чакирадиганингиз ўша ки-шини қаердан топаман?”, - дедим. У менга ишора қилиб:

“Мана бу Собий экан!”, деб бақирди. Шунда водийдаги кишилар менга қарата тош, суяк ва қўлларига илинган нарсани отишди, ҳатто ҳушимдан кетиб йиқилдим. Ҳушимга келганимда, худди ўрнатилган қизил тош (бут)га айлангандим қолгандим”. (Яъни шу қадар қонга беланганидан, худди ўрнатилган қизил тошга айланганди. У шундай тошки, жоҳилият даврида жонлиқлар бир тошнинг ёнида сўйиларди. Бу тошлар жонлиқ сўйилганда сачраган қон ҳисобига кип-қизил рангга кирарди).

Абу Зарр сўзида давом этади:

“Замзам сувининг олдида бориб, устим-даги қонни ювдим ва сувидан ичдим. Шу десанг жиян, ўн беш кеча-кундуз кутдим. Замзам суви-дан бўлак ейдиган таомим йўқ эди. Шунга қарамай семирдим, қорин қўйдим. Озгина бўлса ҳам очликни ҳис этмадим.

Макка аҳли уйқуга кетган ойдин кеча эди. Байтуллоҳни тавоф қилувчи бирор кимса қолмаганда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан Абу

Бакр келиб, хажар (ал-асвад)ни ўпдилар. Кейин Байтни тавоф қилиб, намоз ўқишга турдилар. У зот намозларини тамомлади дегунча, “Ассаламу алайка ё Расулуллоҳ”, - дедим. У зот:

“Ва алайка ва раҳматуллоҳ”, дея алик олиб, “сен кимсан?”, - деб сўрадилар.

“Ғифор қабиласидан бўламан”, - дедим. Шунда у зот кўлини юқори чўзиб, бармоқларини пешонасининг устига қўйдилар. Ичимда Ғифор қавмидан эканлигимни ёқтирмадилар шекилли, дедимда қўлларини олиш учун интилдим. Шунда унинг ҳамроҳи мени тўсиб қолди, зеро у, у зотни мендан кўра яхшироқ биларди. (Яъни у буни менга ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга бир ёмонлик етмасин, дея қилганди).

Кейин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бошларини кўтариб “қачондан бери бу ердасан”, - деб сўрадилар.

“Ўн беш кеча-кундуздир шу ердаман”, - дедим.

“ (Бу кунларда) ким сенга овқат берди?”, - дедилар.

“Замзамдан бўлак ейдиган таомим йўқ эди, лекин шунга қарамай семириб, корин қўйдим, очлик нималигини ҳам билмадим”, - дедим.

“Замзам – муборақ сувдир. У овқат ўрнини босувчи таом ва касалга шифодир”, - дедилар¹.

Абу Бакр: “Эй Оллоҳнинг расули! Изн беринг, бу кеча уни мен таомлантирайин”, - деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ва Абу Бакр юрдилар, мен ҳам улар билан кетдим. (Бир жойга борганимиздан) Кейин Абу Бакр бир эшикни очиб, Тоиф узумидан бизга ҳовучлаб бера бошлади. Маккада еган илк таомим ўша эди...”².

5 – Имом Бухорий “Саҳиҳ”ида Илм бўлимининг “Навбат билан илм олиш боби”да³ ва Никоҳ

¹ “Касалга шифо” жумласи “Саҳиҳи Муслим”да келмаган. Бу жумлани Ибн Абу Шайба ва Баззор “Муснад”ида ривоят қилган. Суютийнинг “ал-Жомиус-сағир”ида ва унинг Мунаввий шарҳи бўлган “Фийзул-қодир” (4/64)да Ҳофиз Ҳайсамий Баззор ривоят қилган кишиларнинг сиқа-ишончли эканлигини айтган.

² “Фатҳул Борий” 7/132.

³ 1/167.

бўлимининг “Отанинг ўз қизига панд-насихати боби”да¹ Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анҳудан ривоят қилади:

“Мен ва Ансорлардан бўлган бир киши (Авс ибн Хавалий ал-Ансорий)² Мадинанинг юқори маҳаллаларидан бўлган Бани Умайя ибн Зайд маҳалласида³ ўтирардик. Биз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига галма-гал қатнар эдик. Бир кун мен борардим, бир кун у борарди. Мен борсам, қайтиб келгач, қўшнимга ўша куни Пайғамбаримизга келган ваҳий ва бошқа хабарларни айтиб берар эдим. Агар у борса, у ҳам шундай қилар эди”.

Умар ибн Хаттоб ҳақида билдирилган бу хабар ортидан ундан ҳам ажойиброқ ва гўзалроқ бўлган Жобир ибн Абдуллоҳнинг воқеасини келтираман.

6 – Имом Абу Абдуллоҳ Бухорий “Саҳиҳ”ида Илм бўлимининг “Илм олиш ниятида сафар қилиш

¹ 9/244.

² Ҳофиз ибн Ҳажар “Никоҳ бўлими” (9/244).

³ Мадинаи Мунавварага қин бўлган, унинг кунчиқар тарафидаги бир қишлоқ.

боби”да¹: “Жобир ибн Абдуллоҳ битта ҳадисни эшитиш учун Абдуллоҳ ибн Унайсининг олдида бир ойлик масофа босиб борди”, дея ўзининг “ал-Адаб ал-муфрад” китобининг “Қучоқлашиб кўришиш боби”да² Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Ақийл йўлидан ривоят қилган ушбу ҳадисга ишора қилди. Абдуллоҳ ибн Муҳаммад деди: Жобир ибн Абдуллоҳнинг шундай деганини эшитдим:

“Менга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан бирининг у зотдан бир ҳадис эшитгани ҳақида хабар келди. Бориб, туя сотиб олдим ва йўлга чиқдим. Унинг олдидача бир ой йўл юриб, Шомга етиб бордим. Билсам, ҳалиги одам Абдуллоҳ ибн Унайс экан. Унинг хизматкорига: “Бориб, Жобир эшик олдида турибди”, деб айт дедим.

У: “Ибн Абдуллоҳми?”, - деб сўради. Мен: “Ҳа”, - дедим. Шундан кейин Абдуллоҳ ибн Унайс чиқиб, мени қучоқлади. “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан бир ҳадис эшитган экансан. Уни эшитмасимдан олдин ё менга, ёда сенга ўлим етиб

¹ 1/158.

² 337-бет.

қолишидан кўрққаним учун келдим”, - дедим. Ибн Унайс:

“Ҳа, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам-дан бир ҳадис эшитдим. У зот: *“Оллоҳ таоло қиёмат кунини одамларни ялонғоч, хатна қилин-маган ва “буҳм” ҳолларида қайта тирилтиради*”, - дедилар Биз:

“Буҳм ўзи қандай ҳолат?!” – деб сўрадик. Расулуллоҳ: *“Ҳеч нарсалари бўлмаган ҳолда”*, - дедилар. *“Сўнгра Оллоҳ таоло одамларга, улар-нинг яқиндагилари ҳам, узоқдагилари ҳам эшита-диган овозда нидо қилиб: “Мен Подшоҳман! Мен Даййонман! Жаннат аҳлидан бирор киши, дўзах аҳлидан бўлган бирортаси ундан ўзи кўрган зулмни(не қасосини) талаб қилиб турар экан, жаннатга кира олмайди. Дўзах аҳлидан бирор киши, жаннат аҳлидан бўлган бирортаси ундан ўзи кўрган зулмни(не қасосини) талаб қилиб турар экан, дўзахга кира олмайди”*, - дейди.

Яъни жаннат аҳли жаннатга, дўзах аҳли дўзахга (худди элакдан ўтказилгандай) беками-кўст ҳисоб-китоб қилинмагунларича кирмайди-лар.

“Қандай қилиб, (нима билан бир-бирлари-дан қасос оладилар) ахир, Оллоҳнинг ҳузурига ялонғоч ва ҳеч нарсамиз йўқ ҳолда келамиз-ку?”, - дедим.

“Яхшиликлар ва ёмонликлар билан (қасос ўталади)”, - дедилар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам”. Яъни ҳисоб-китоб яхшилик ва ёмонликлар (ҳасанот ва саййиот) билан бўлади.

Ҳофиз Хатиб Боғдодий ўзининг “*ар-Риҳлату фи талабил-ҳадис*” номли китобида¹ Жобир ҳадисини бир неча санад йўллари-дан келтириб, битта ҳадисни ўрганиш йўлида сафар қилган бошқа саҳобаларнинг хабарлари ҳақида ривоят қилади. Хатибнинг “*ар-Риҳла*” китоби илм олиш учун сафар қилмаганлар учун фойдали ва тарғиб қилувчи китобдир. Сиз ҳам ўқинг, шояд илм йўлида сафар қилиб қоларсиз.

Ҳофиз Ибн Ҳажар “*Фатҳул Борий*”да² Жобирнинг Абдуллоҳ ибн Унайснинг олдига сафари ҳадисининг ортидан шундай дейди: “Бу ҳадис саҳобаларнинг Пайғамбар суннاتини ўрганишга, уни

¹ 110-118-бетлар.

² 1/109.

муҳофаза қилишга қанчалик даражада харис бўлганликларини кўрсатади”.

Сўнгра Ҳофиз Ибн Ҳажар айтади: “Аҳмад ибн Ханбалдан: “Илм олмоқчи бўлган киши илми мўл бўлган бир олимнинг ёнида қолиши ёки илм йўлида сафарга чиқиши ҳақида нима дейсиз”, деб сўралди. У киши: “Сафар қилиб, турли мамлакатлардаги олимлардан ҳадис ёзгани, одамларга қўшилиб, улардан таълим олгани яхши”, деб жавоб берди.

7 – Ҳофиз Ироқий “*Шарҳул-алфийя*”да¹ ва Ҳофиз Саховий “*Фатҳул-муғис*”да² шуларни келтирадилар: “Абдуллоҳ отаси Аҳмад ибн Ханбалдан: “Талабанинг бир аҳли илмнинг ёнида қолиб, ундан ҳадис ёзишиними (яъни илм олишиними) ёки олимлар мавжуд бўлган ўлкаларга кетиб, улардан ҳадис эшити-шиними (яъни илм ўрганишиними) маъқул кўрасиз?”, дея сўради.

Аҳмад ибн Ханбал шундай деб жавоб берди: “Сафар қилиб, кўфаликлар, басраликлар, макка ва мадиналиклардан ҳадис ёзади (яъни илм ўрганади).

¹ 2/226.

² 321-бет.

Одамларга қўшилиб, улардан ҳадис эшитади (яъни илм олади), мана шуниси маъқулдир”.

Яҳё ибн Маъин деди: “Тўрт тоифа инсонлар борки, уларда рушд (донолик)ни топмайсан, дер ва фақат ўзининг юртида ҳадис ёзиб (ўрганиб), ҳадис ўрганиш учун сафар қилмаган кишини ҳам шулар жумласида санар эди”.

Аҳмад ибн Ҳанбалдан: “Киши илм олиш учун сафар қиладими?”, дея сўралди. “Ҳа, албатта. Сафар қилгандачи! Алқама ибн Қайс Нахаъий ва Асвад ибн Язид Нахаъийлар Ироқнинг Кўфа деган жойидан эдилар. Уларга Умардан бир ҳадис етиб келганда, сафарга отланиб, Мадинаи Мунавварага бориб, ҳадисни унинг ўзидан эшитиб, шундан сўнг қаноат ҳосил қилар эдилар”, дея жавоб берди.

давоми бор...